

Иқтибос

“Ўзбекистон матбуоти” саҳифаларида



“Ўзбекистон матбуоти” журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Унда миллий журналистикамиз муаммолари тадқиқ этилган таҳлилий мақолалар, публицистиканинг турли жанрларидаги қизиқарли ва ўқиниб қолдиришни таъминловчи материаллар берилган. Азиз газетхон, сиз ҳам журналининг янги сонини мутлоқ қилинг. Ҳозирча эса “Ўзбекистон матбуоти” дан келтирилажак айрим иқтибослар билан танишинг.

Матбуот давлат раҳбарининг ёлғонига қарши

29 май куни Би-би-си радио тўққинларида берилган бир ахборот Ироқдаги худда-бурони бамисоли Оврупага кўчириб келтириди! Яна нима фалокат юз берди дейсизми? Би-би-си мухбири Э. Гиллион ахборот манбасини ошкор этмаган ҳолда, Буюк Британия Бош вазир Тони Блэрни ўз мамлакатини Парламентга, Парламент орқали бутун жамоатчиликни ёлғон ахборот тарқатганида ай...

блади. Биринчи ёлғон шукки, Бош вазир ўтган йилнинг сентябрида Парламент аъзолари ҳузурдаги чиқишида Ироқ биокимийвий қуролга эга деган. Иккинчи ёлғон эса, уруш бошлангани арафасида Т. Блэр Ироқ ёлғонига қарши келтирувчи қуролни 45 дақиқада шай ҳолатга келтиришга қодир, деган мазмунда ахборот берган...

(Бош муҳаррир мақоласидан)

Журналист маҳорати

Ёзувчи ва шоирларнинг ижоди бўйича қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, кўплаб монографиялар, рисолалар, қўланмалар яратилган бўлса-ю, журналистларнинг мавзу ва жанр танлаш, тилдан фойдаланиш маҳорати ҳамон тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда. Ўзбек тилининг гузал им...

кониятларини юзага чиқарувчи, сўз воситасида халқ оммасини тарбияловчи, уларни бунёдкорлик ишларига қўриқувчи, энг муҳими, теъкорлик билан ахборот таёйроқчи ва қайноқ ҳолда етказиб берувчи журналистларнинг маҳоратини ўрганиш, ҳолисона баҳолаб бериш фурсати етмадиммикан?

(А. Абдураҳимов мақоласидан)

Публицистнинг ўткир сўзи

Мақола навислик сўз иқтисодини, мухтасарликни, лўндаликни ёқтиради. Жиддий ва тўғри гапга, кескин фикрга жимжимдорлик ярашмайди. Публицист сўз ва фикр қанчалик қисқа, са...

мимий, масалага бевосита алоқадор бўлса, кишилар қалбига шунчалик тез етиб боради, ижтимоий мазмун касб этади.

(А. Абдимуратов мақоласидан)

Диёнат - ҳақгўйликда

Баъзиларнинг журналистлар тубанлашиб кетаётганининг олдини олиш чораси сифатида касб ахлоқи кодексини яратиб ҳақиқатга қўриқувчи ўринсиз деб ўйлайман. Бунга кодекс лойиҳасини ўқиб чиққандин сўнг янада қатъийроқ ишонч ҳосил қилдим. ОАВ ҳақида ажойиб қоидалар қабул қилинган, журналист ва таҳририятларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, фаолият мезони белгилаб қўйилган бир пайтада ахлоқ кодекси ахволни яхшилашга ёрдам...

беради, деб ҳисоблаш ортиқча. Шифокорларнинг “Гиппократ қасами”ни қабул қилиши нима берапти? Врачлар орасидаги таъмағирликнинг олди олинганми? Ўзининг ахлоқ кодекси йўқ бўлгани сабаблигина юридик соҳа, олий таълим ва бошқа тармоқларда порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, шахсий манфаатдорлик кучайди? Асло, бинобарин гап кодексда эмас...

(С. Мусаев мақоласидан)

Дарвоқе, “Ўзбекистон матбуоти” журналининг 2004 йил учун обунаси бошланди. Журнал ижодкорлари келгуси йилда ҳам касбимизнинг қизиқарли ва мураккаб жиҳатлари тўғрисидаги мақолалар, ўқиниб таҳлилий-танқидий материаллар бериб боришни мўлжаллашмоқда. Дустона наслаҳат шукки, янги йилда “Ўзбекистон матбуоти”га обуна бўлинг! Кеткизган ақчангизга ачинмайсиз.

Кўнгиладан бошланган ободлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Тариқатнинг улғу пири Хожа Али Рометаний дейдиларки, инсоннинг кўнгли худди экинзор дала каби. Агар экинзор далаи ўз вақтида юмшатиб, сугориб, бегона ўтлардан тазалаб турмасанг, ширин замин, обод ер хароб эрга айланади. Худди шу каби одамнинг кўнглини ҳам обод этиш учун ундан “бегона ўт” — ҳасад, кибр, хирс, ёлғончилик, фирибу найранг, порахўрлик, таъмағирлик каби иллатларни юлиб туриш керак.

Тўғри, деҳқон ерни бегона ўтлардан, яъни кўзга кўринадиган нарсалардан тазалайди. Лекин кўнглини бу кўзга кўринмайдиган “бегона ўт” — иллатлардан қандай тазалайдилар?

Ҳожагон-нақшбандия тариқатининг пирлари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрат Сайид Мир Қуллол, Ҳазрат Бобойи Самосий, Ҳазрат Али Рометаний, Ҳазрат Махмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрат Ориф ар-Ревағарий, Ҳазрат Абдулоҳлик Ғиждувоний инсон кўнглини обод этмоқ, яъни ундан “бегона ўтлар”ни йўқотмоқ йўлларини кўрсатиб берганлар. Бу йўл, бу услуб поклик, ҳалоллик, ҳалол меҳнат ва зикр ила ҳосил бўлган.

“Дил ба ёру даст ба қор” шioriнинг асосий маъноси шукки, одам хар дамда Аллоҳ ёди билан бўлсин, шундагина унинг қўли ҳалол меҳнат билан банд бўлади. Ҳалол меҳнат билан банд бўлган қўл асло таъмағирлик, ўғрилик, порахўрлик, муштум-зўрлик, дилзорлик қилмайди. Қалбда Аллоҳи бор инсон ҳасадгўйлик, кибру ҳаво, манманлик, ношўрлик этмайди.

Ҳазрат Абдулоҳлик Ғиждувоний, Ҳазрат Баҳоуддиндай буюк зотлар халққа беминнат хизмат қилиб ўтганлар. Шайх Саъдий дейдилар:

Фақат жойнамоғу тасбеҳу хирка
Ила ҳосил бўлган жан тариқат.
Тариқат дегани, билсанг, ай дўст,
Бу — халққа хизматдур,
хизматдур фақат!

Шу боис улғу зотларимиз масжиду мадраса, кўприғу боғ, сардобаю ариқлар бунёд этган. Камбағал, етим-

ерис, мусофирларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берган. Халқ учун беминнат хизмат қилган шундай улғу алломуларимиз зиёратгоҳлари собиқ Иттифоқ замоннда ярим вайрона ҳолга келтирилди.

да улкан мажмуа қад ростлади. Бунақа кенг қўламағи ободонгарчилик ишлари бирор асру айёмда қилинган эмас. Қадимги дарвозалар — Хожа Диловар, Бобус Салом асл ҳолига келтирилди. Зиёратгоҳнинг жануби-

Ҳазрат Баҳоуддин музейларидаги экспонатлар ҳам янгилиниб, бу ерга қирган киши тасаввф ва Етти Пир ҳақларида яхлит бир тушунчага эга бўлади. Тошкент, Самарқанд, Хоразм,

Ушбу мажмуани бунёд этишда Бухоро вилоятидаги деярли барча қорхона, ташкилот, шунингдек, тадбиркорлар ўз улушини қўшди. Халқ ҳашири билан бунёд этилаётган бу зиёратгоҳда, айниқса, Когон тумани ширкат хўжалиғи аъзолари жон-дилдан хизмат қилганини таъкидлаш жоиз.

Бухоро вилояти бош архитектори М. Аҳмедовнинг айтишича, баъзи кўнлар икки мингдан зиёд ҳашарчилар келиб, ушбу мажмуада хизмат қилган.

Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов ушбу ишларда бош-қош бўлди. Бундай хайрли, саёб тадбирлар ҳукумат билан халқни бир тан-бир жон этади.

Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки, халқ учун беминнат хизмат қилганларни, дину диёнат, маърифату маънавият йўлида умрларини фидо қилганларни халқ асло унутмас. Яна бир хизмат шукки, Аллоҳ дўстларини эъзозлаган замонни Аллоҳ эъзозлайди; Аллоҳ дўстларини севганларни Аллоҳ севади. Ҳазрат Абдулоҳлик Ғиждувоний, Ҳазрат Баҳоуддин Аллоҳнинг дўстларидур.

Ушбу мажмуада XVI аср обидаси қарама-қаршида, унга уйғун ҳолда XXI аср обидаси қад ростлади. Маъшойиллар: “Минг эшитгандан бир кўрган афзал!” деганлар. Ушбу мажмуани таъриф-таъсифлашга қалам охиш. Келган одам кўради ва қойил бўлади.

Дарҳақиқат, “хар қандай ободлик кўнгиладан бошланади”, то кўнгиладан обод бўлмаса, бундай ҳашаматли, бундай кўркам, бундай салобатли, бундай гузал, бундай файзли мажмуани бино қилиб бўлмайди.

Ушбу мажмуани зиёрат қилаётганимда бир нидо кўлоғимга қалинди. Бу Ҳазрат Баҳоуддин овозлари эди:

Бизни ёдга олгани —
Аллоҳ ёдга олғайдур,
Аларнинг юрачига Аллоҳ
таъриф қолғайдур.
Бизни эъзозлагани Аллоҳ
эъзозлар бешак,
Наслларнинг ёдида аллоҳ
номи қолғайдур.
Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ
Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар.

Санъат

ҲАРБИЙ ҚЎШИҚЧИ



Тожибар оғир юкни — ҳаёт, оила ва хизмат ташвишларини санъатнинг машаққатли йўллари ила баробар тортиб келаётган, тортадиган ҳам чарчамасдан доимо олдинга интилиб келаётган дилбәр аёлларимиздан.

жамоалар унинг оҳанрабо кўшиқларини доимо интиқлик билан кутади. У ҳам ўз касбдошлари даврасида тез-тез бўлиш учун жуда-жуда иштиёқманд.

2003 йилда Тожибар Азизова ўзининг ижорчилик санъати учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлди. Бу кун Тожибар ҳаётига энг унутилмас кунлардан бири бўлиб кирди.

Ешликнинг олтин даври ҳисобланган талабалик йиллари Тожибар учун ўқиб, ўрганиш даври бўлиш билан бирга устозлар меҳрига сазовор бўлиш даври бўлди.

Талабалик олтин даврида Тожибарга Ўзбекистон халқ артисти, халқимиз ардоғидаги санъаткор Коммуна опа Исмоилованинг назари тушишининг ўзи катта омад эди. Устоз назари, нафақат назари, балки оналик меҳри айнан Тожибарга насиб этганлиғи унинг учун катта бахт эди.

Ана шунинг учун бўлса керак, Тожибар талабалик йилларининг ўзидаёқ 90 га яқин мажмуа йўлидаги миллий кўшиқларни устозидан ўрганиб олди.

Айни кунларда Тожибар Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул Қўшинларига қарашли 7531-ҳарбий қисмда офицер лавозимида хизмат қилмоқда, капитан унвонига эга. У ҳарбий қисм шахсий таркиби ўртасида тарбиявий, маърифий ишларни олиб бориш билан бирга аскарлар қалбига санъатга, кўшиққа муҳаббат уйғотишда ҳам самарали ишларни амалга оширмоқда.

Унинг репертуаридаги “Истиклолинг муборак”, “Мардона”, “Ўзбекистоним”, “Дарё тошқини”, “Тоқай”, “Қайлардасан, азизим” кўшиқлари кўнглига маъқул бўлмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ўзининг янги кўшиқлари устиди иш олиб бормоқда. Санъати ҳарбий иш билан бирга олиб бориш ва муҳлислар ўртасида обрў-эътибор қозониш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келвермас керак.

Х. ОЛЛОМУРОВОД

Назм

Юрагимнинг таржумони — қаламим

Сен ўзингсан менинг ёлғиз сирдошим,
Бахтим, баҳорим ҳам кўздаги ёшим.
Йўлимни ёритган мангу кўёшим,
Юрагимнинг таржумони — қаламим!

Шеърятга бўлганман мен бир бандо,
Танҳо қуролимсан жонимсан тандо.
Асирингман, қилолма сен қанда,
Юрагимнинг таржумони — қаламим!

Сенгиз бир вужудим минг бир пора,
Туйғуларим фарёд чекар, чекади нола.
Қалб дардини сенга айтар Ситора,
Юрагимнинг таржумони — қаламим!

Озор
Гул-у гулзор аро турибон шамол,
Нафис гуллар бошин нам қилиб кетди.
Кўрмоқ бўлиб уни ҳам гирён-у лол,
Бор қувонч ёшини ҳам қилиб кетди.

Оҳ замину осмонни титратди бир занг,
Гул деди: “Барибир яшайверман.”

Агар гул бағримни узиб ташласанг,
Мен тикан бўлиб ҳам яшайверман”.

Эй, воҳ, шундан бери гўзал гулзорда,
Бир гул топилмайди, тиканлар йиллар.
Хар иш баҳор келиб дили озор-да,
Ўз-ўзин бағрини юмдалаб тиллар.

Сурхон қизларига
Қизларнинг кузида ўйнайди баҳор,
Мен ул баҳорларни шеъримга бтайя.
Сизларнинг дилингиз кўрмасин губор,
Қошингиздан ранг олиб мен тунга берай.

Сизларга ошқидир шайдо ул кўёш,
Шул боис бир зум ҳам кетолмас нари.
Қалби эрий бошлар ҳатто бағримни,
Сизнинг сўзингизни эшитган сари.

Кипригизинг кўёшининг белидан ушлаб,
Ой юзингиз ерга ҳаёт беради.
Шоирлар ихлосини сизлардан тилаб,
Юзингиз нақшдан сўзлар теради.

Ситора ТОЖИДИНОВА

Voice of America Америка овози www.voanews.com/uzbek. Эшиттиришларимиз ҳар кун алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади. «Америка овози» радиосини қисқа тўлқин — УКВ 17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 кГцда 19 ва 16 метрларда; 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 кГцда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе апрофида ўрта тўлқин 1143 килосерцада ва Уш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

ЭЪЛОН “Тошкент монументал комбинати” ОАЖ акциядорлари диққатига! Акциядорлик жамияти бошқа турдаги мулкчилик шаклига ўзгартириш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши 2003 йил 27 октябрь соат 15-00 да комбинат худудида ўтказилади. Маъмурият

Тошкент “Турон” ОАЖ жамоаси жамият бошқаруви раиси Нуриддинов Зоҳиддин Зоҳиддиновга падади бузруквор ЗУХРИДДИН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамддорлик билдиради.

Ибрат МУҲАББАТ ҲАҚИДА ҲАДИСЛАР. Менинг ризом йўлида бир-бирларини севганларга муҳаббатим собит бўлган. Менинг ризом учун бир-бирларини зиёрат этганларга, Менинг ризом учун бир-бирларидан ёрдам ва кўмагини аямаганларга муҳаббатим собит бўлди. (Табароний ва ибн Абуд-Дунё Амир ибн Анбасадан ривоят этганлар).

Mustaqil gazeta HURRIYAT. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06. Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи муҳаррир: Собиржон ЕКУБОВ. Топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00. Буюртма — Г - 964. Т: 2715. «Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.